

Абдувахидов Фарход Туйчиевич -  
ТМИ, Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши кафедраси доц., и.ф.н.  
Дадабаев Шавкат Хамидович -  
ТДИУ, Бухгалтерия ҳисоби кафедраси мустақил тадқиқотчиси

## ТОВАР - МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда товар-моддий захиралар таҳлилини ташкил этиш бўйича илмий ва назарий аҳамиятга эга таклиф ҳамда тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар.** Товар-моддий захира, молиявий барқарорлик, материал сиғими, молиявий ҳолат, самарадорлик, коэффициент, ТМЗ айланувчанлиги, рентабеллик, ялпи фойда, ўртача йиллик қиймат.

**Аннотация.** В данной статье представлены научно-теоретические предложения и рекомендации по организации анализа товарно-материальных запасов в производственных предприятиях производящих строительных материалов.

**Ключевые слова.** Товарно-материальные запасы, финансовая устойчивость, материал ёмкость, финансовое состояние, эффективность, коэффициент, оборачиваемость ТМЗ, рентабельность, валовая прибыль, среднегодовая стоимость

**Annotation.** This article presents scientific and theoretical proposals and recommendations for organizing the analysis of inventories in manufacturing enterprises of building materials.

**Keywords.** Inventories, financial stability, material capacity, financial condition, efficiency, ratio, inventory turnover, profitability, gross profit, average annual cost.

Республикамизда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суратларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган қурилиш материаллари саноатидаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва қурилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмларини ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Шу боисдан, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда товар-моддий захиралар нисбатан юқори ликвидлик актив ҳисобланиб, улар устидан аниқ, тезкор ҳисобни ташкил қилиш ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун таҳлилни амалга ошириш алоҳида масалага айланиб қолмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев ўз маърузасида "...қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда "яшил иқтисодиёт" билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз "драйверлари"га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд. Бу тармоқларда хусусий секторнинг ташаббуслари ва янги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кооперацияни ривожлантириш бўйича барча чоралар қўрилиши лозим"[1] лигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бунда шуни айтиш жоизки, йирик қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бир қаторда хусусий секторнинг улушини оширишда, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва фаолиятинини узлуксизлигини таъминлаш назарда тутилганлигини кўрамай.

Уларнинг фаолияти узлуксизлигини таъминлаш, энг аввало, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ҳамда улардан самарали фойдаланишига боғлиқдир. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналардаги ресурслардан, товар-моддий захиралар салмоғи ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблиги, материал сиғими даражасига боғлиқ ҳолда саноат ишлаб чиқаришида турли даражада бўлади. Шу сабабли, товар-моддий захиралар таркиби ишлаб чиқаришнинг мураккаблигига қараб, ишлаб чиқариш узлуксизлигининг даражасига мос равишда ўзгариб туради.

Шу боисдан, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти учун зарур бўлган товар-моддий захиралар миқдорини, жами активларга ёки маҳсулот таннархидаги салмоғига нисбатан аниқлашда, уларнинг молиявий ҳисобот кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Масалан, "Ўзқурилишматериаллари" уюшмаси таркибидаги йирик цемент ишлаб чиқарувчи корхоналари активлари таркибида товар-моддий захираларнинг улушини таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади (1-жадвал).

Ўзбекистондаги йирик цемент ишлаб чиқарувчи акциядорлик жамиятларида ТМЗ таркибининг таҳлили[6] (млн.сўм ҳисобида)














№	Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
1.	“Қувасойцемент” АЖ	18101,9	18727,1	30330,1	47627,6	59155,2
	Жами активлардаги салмоғи	285819,4 6,3 %	274764,9 6,8 %	309210,4 9,8 %	337952,8 14,1 %	339542,8 17,4 %
2.	“Қизилқумцемент” АЖ	280224,7	351071,6	379414,6	367379,0	413055,6
	Жами активлардаги салмоғи	1076994,3 26,0 %	1136356,0 30,9 %	1351843,1 28,1 %	1591886,2 23,1 %	1690016,7 24,4 %
3.	“Бекободцемент” АЖ	54070,6	73673,8	74756,8	101678,2	101909,9
	Жами активлардаги салмоғи	257622,2 21,0 %	288786,6 25,5 %	334326,8 22,4 %	376721,1 27,0 %	454754,1 22,4 %
4.	“Оҳонгарон-цемент” АЖ	144189,7	161057,3	171519,2	193169,8	206334,5
	Жами активлардаги салмоғи	949669,4 15,2 %	1085848,2 14,8 %	1210633,8 14,2 %	1155585,2 16,7 %	1686701,4 12,2 %
	Умумий тармоқ бўйича салмоғи	19,3 %	21,7 %	20,5 %	20,5 %	18,7 %

1-жадвалдан кўриниб турибдики, товар-моддий захиралар салмоғи жами активларнинг ошишига қараб ўзгариб борган. Хусусан, “Қувасойцемент” АЖ умумий активлар ҳажмини ошишига мос равишда ТМЗларни ҳам ошганлигини кўришимиз мумкин, яъни 2015 йилда умумий активлар қиймати 285819,4 млн. сўм бўлганда ТМЗ улуши 6,3 %ни, 2019 йилда жами активлар қиймати 339542,8 млн. сўм бўлганда ТМЗ улуши 17,4% ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Бундан кўринадики, жами активлар ҳажмини ошиши ТМЗлар улушини ошишига олиб келганлиги уларни таҳлилини тўғри ва самарали ташкил этиш заруратини келтириб чиқаради.

Қурилиш соҳасида асосий хом ашё бўлган цемент ҳозирги кунда 4 хил усулда ишлаб чиқарилмоқда. Республикада цемент иш-

лаб чиқаришда икки хил усулдан фойдаланилади, яъни, ҳўл ва қуруқ усулда. Техника ва технологияларни ривожланиши ўз навбатида, сифатли, арзон, экологик тоза ҳамда рақобатбардош цемент маҳсулотлари ишлаб чиқаришни тақозо қилади. Ишлаб чиқарилган қурилиш маҳсулотларини экспорт қилишда асосий эътиборлардан бири, бу халқаро стандартларлар асосида ишлаб чиқаришни, биргина қурилиш материаллари соҳасида 1387 та халқаро стандартларни қабул қилишни талаб қилади. Республикада 2019 йилда 340 та 2020 йилда 542 та ва 2021 йилда 505 та халқаро стандартларни босқичма – босқич қабул қилиш белгиланган. Дунёда цементни халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқараётган давлатлар рўйхати ва ишлаб чиқариш ҳажми қуйида келтирилган (2-жадвал).

Дунё миқёсида цемент ишлаб чиқарувчи айрим давлатлар рўйхати[7] (млн.т)

№	Давлатлар	1990	2000	2010	2015	2016	2017	2018	2019
1	 Хитой	210	597	1800	2359	2410	2331	2370	2200
2	 Ҳиндистон	49	95	220	300	280	290	290	320
3	 Ветнам	3	13	50	67	77	79	80	95
4	 АҚШ	71	90	63,5	84	85	87	89	89
5	 Миср	14	24	48	56	55	53	55	76
6	 Индонезия	14	28	42	58	63	65	67	74
7	 Эрон	13	24	55	67	55	54	53	60
8	 Россия	83	32	49	62	55	55	54	57
9	 Бразилия	26	40	59	65	57	53	52	55
10	 Корея	34	51	46	52	57	57	56	55
11	 Япония	84	81	56	55	53	55	56	54
12	 Туркия	24	36	60	71	75	81	84	51
13	 Ўзбекистон	<u>5,5</u>	<u>6,4</u>	<u>6,8</u>	<u>8,2</u>	<u>8,5</u>	<u>8,9</u>	<u>9,2</u>	<u>11</u>
	Дунё миқёсига нисбатан Ўзбекистонда (фоизда)	0,56	0,39	0,20	0,20	0,21	0,22	0,22	0,27
	Бошқа давлатлар	529,5	542,6	769,7	795,8	769,5	781,1	784,8	903
	Дунё миқёсида	1160	1660	3325	4100	4100	4050	4100	4100

2-жадвалдан кўриниб турибдики, жаҳонда йирик цемент ишлаб чиқрувчи давлат Хитой Халқ Республикаси 1990 йилда дунёда жами ишлаб чиқарилган цементни 18,1%, 2019 йилда 53,6 % ишлаб чиқарган, Вьетнам Республикаси 1990 йил 0,2 %, 2019 йилда 2,3 %ни ташкил қилиб, қарийиб 32 баробарга ишлаб чиқаришни оширган.

Ўзбекистон Республикаси 1990 йилда 5,5 млн. тонна, 2019 йилда 11 млн. тонна, 2020 йилда эса, 14,5 млн. тоннага ошириб, 1990 йилга нисбатан 2,6 баробарга оширишни режалаштирган. 2019 йилда 69,0% қуруқ ва 31,0 фоизи хўл усулда, 2020 йилда 76,0% қуруқ ва 24 % хўл усулда цемент ишлаб чиқаришни ташкил этган.

Дунё мамалакатлари ичида цементни янги технология асосида, яъни, 100 фоиз қуруқ усулда ишлаб чиқарадиганлар қаторига Хитой Халқ Республикаси, Франция, Германия, Швейцария Япония давлатларини келтириш мумкин.

Шу боисдан, ТМЗ таркибини тўғри таҳлил қилиш ва ундан оптимал даражада фойдаланиш мақсадида, уларнинг таркиби, салмоғи ва мураккаблигининг ўзгаришига эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, хорижлик иқтисодчи олимлар Р.Хермансон ва Ж.Эдвард “Компания ва фирмалар томонидан молиявий ҳолат барқарорлигини баҳолашда ТМЗдан самарали фойдаланиш, уларнинг асосий фаолият турига ёки маҳсулотларнинг турига эътибор қаратиш керак”, деб ҳисоблайди [2]. Уларнинг фикрига кўра, ишлаб чиқариш соҳасида айланма маблағлар, жумладан товар-моддий захиралар миқдори одатда катта улушга эга бўлади. Шу сабабли, активларнинг айланиш коэффициенти ва активлар билан боғлиқ бўлган бошқа молиявий коэффициентларни таҳлил қилишда ҳар бир корхонанинг асосий фаолият тури ёки товар-моддий захираларнинг турини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу фикрдаги асосий эътиборни молиявий ҳолатга баҳо беришда молиявий коэффициентларни компаниянинг асосий фаолият турига боғлиқ равишда ҳисоблашга қаратилиши хусусидаги хулосаси ўринли ва муҳим амалий аҳамият касб этади.

Бизнинг фикримизча, ушбу фикр тўғри талқин қилинган ва ҳақиқатдан ҳам активларнинг айланиш коэффициенти ҳисоблашда товар-моддий захираларнинг миқдори муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, Ю.Бригхэм ва М.Эрхардтларнинг фикрига кўра, компанияларнинг молиявий ҳолатини аниқлашда жорий ликвидлик, айланувчанлик ва рентабеллик коэффициенти барқарорлиги таъминлаш ҳамда қимматли қоғозлар портфелидаги риск ҳамда даромадлилик ўртасидаги мутаносибликка эришиш муҳим аҳамият касб этади[3]. Бу иқтисодчи-олимларнинг хулосасига кўра, хусусий секторларнинг молиявий ҳолати барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар баҳоланганда уларни ўртача тармоқ кўрсаткичлари билан таққослаш ҳар доим ҳам реал ҳолатни баҳолаш имконини бермайди. Олимлар фикрини янада ривожлантириш асосида шундай хулосага келиш мумкин. Яъни, шундай компания ва хусусий секторлар борки, уларнинг молиявий кўрсаткичлари ўртача тармоқ даражасидан паст бўлсада, бозорда муваффақиятли фаолият олиб борди. Аксинча, айрим хусусий секторларнинг молиявий ҳолат кўрсаткичлари ўртача тармоқ даражасидан сезиларли даражада юқори бўлиши мумкин, аммо уларнинг бозордаги фаолияти ҳам муваффақиятли бўлиб, молиявий ҳолати барқарор ҳисобланади, активларнинг фойдалиқ даражаси юқори бўлади.

Ушбу масалада проф. М.Пардаев томонидан молиявий таҳлилдаги муҳим кўрсаткичлардан бири – айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига алоҳида урғу берилган. Бунда, айланма маблағлар таркибида товар-моддий захираларни ҳисобга олиб, кўрсаткичлар тизимини қуйидагича:

- айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар сифатида ифодалаб беради [4].

Шуни таъкидлаш керакки, харажатлар таркибида ТМЗ салмоқли қисмини ташкил этадиган саноат корхоналарида ушбу харажатларга катта эътибор бериш керак деб ўйлаймиз.

Халқаро амалиётни ўрганиш шуни кўрсатадики, корхоналарда молиявий стратегия молиявий режалаштиришдан ташқари, молиявий қарорлар қабул қилиш мезонларини, айланма капиталнинг асосий элементларини бошқариш, иқтисодий ва сиёсий рискларнинг корхона молиявий фаолиятига таъсирини баҳолаш ва уларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни қамраб олади.

Товар-моддий захиралар таҳлилини ўтказиш кўп қиррали ва мураккаб жараён бўлиб, уни ташкил қилишда қуйидагиларни бажариш талаб этилади:

- товар-моддий захиралар бўйича абсолют ва нисбий кўрсаткичлар ўртасидаги алоқаларни аниқлаш ва таҳлил жараёнида улардан биргаликда фойдаланиш;

- товар-моддий захиралар бўйича ҳамма фойдаланаётган кўрсаткичларни бир хил ва асосланган усулда аниқлаш;

- молиявий ҳолат таҳлилида, товар-моддий захиралар кўрсаткичларини бошқа корхоналар, ўртача тармоқ илғор корхоналар кўрсаткичлари билан таққослаш;

- товар-моддий захиралар молиявий таҳлилида корхоналарнинг умумий молиявий ҳолатига таъсир қилувчи омилларни таҳлил этиш;

- товар-моддий захиралар молиявий таҳлилини самарали ўтказиш учун керакли маълумотларни олиш ва бу борада бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш;

- товар-моддий захираларнинг молиявий таҳлили яқунлари асосида молиявий ҳолатни яхшилаш чораларини ўз вақтида амалга ошириш;

- комплекс молиявий таҳлил ўтказилиб, унда молиявий ҳолатнинг ҳамма шакл ва йўналишларини ифодалаш;

- молиявий ҳолат таҳлили яқунлари бўйича корхона бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;

- товар-моддий захиралар таҳлилида барча йиғилган ва умумлаштирилган маълумотлар асосида керакли кўрсаткичлардан фойдаланиб, бу кўрсаткичларнинг асослигини тегишли усуллар ёрдамида аниқлаш.

Демак, товар-моддий захираларни таҳлил қилиш, кенг миқёсда ва аниқ вазифаларни бажариш учун ўтказилади. Унда таҳлилнинг анъанавий усуллари билан бирга, кенг тарзда статистика усули, маълумотларни йиғиш ва умумлаштириш, статистик кузатишларни ўтказиш, абсолют, нисбий, ўртача, динамик кўрсаткичлардан фойдаланиш, динамик қаторлар, иқтисодий индекслар тизими, омиллараро корреляция алоқаларни аниқлаш жадвал ва чизма тизими усуллари билан фойдаланилади.

Товар-моддий захираларни таҳлилида муҳим масалалардан яна бири унинг айланишини таққослаш орқали айланиш коэффициенти ва молиявий коэффициентларини кў-

риб чиқиш лозим. Ушбу мақсадда цемент ишлаб чиқариш соҳасида активларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиниши лозим. Цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарда айланма маблағлар, шу жумладан, товар-моддий захиралар ўртача 18-21 фоизни ташкил қилади. Шу сабабли, айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти ҳисоблаш таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Цемент ишлаб чиқариш корхоналарда молиявий коэффициентларни, жумладан, товар-моддий захиралар билан боғлиқ молиявий коэффициентларни корхонанинг асосий фаолият турига боғлиқ равишда ҳисоблаш хусусидаги хулосаси ўринли ва муҳим амалий аҳамият касб этади. Товар-моддий захираларнинг айланиш коэффициенти ҳисоблашда активлар, жумладан, оҳактош, гел тупроқ, гипслар миқдорини таҳлил қилиш ва уларни самарали фойдаланишни аниқлаш лозим.

Ушбу масалада Россиялик иқтисодчи В.Савчукнинг фикрига кўра, молиявий коэффициентларни қўллашда товар-моддий захираларнинг турини ҳисобга олиш, шу жумладан, тайёр маҳсулот ва товарлар хусусида фикр билдирган. Бунинг сабаби шундаки, ҳар қандай корхона тушумининг асосий қисмини асосий фаолияти маҳсули бўлган тайёр маҳсулотларни сотишдан оладиган фойда ташкил қилади. У корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда харажатларни бошқариш бирламчи аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди ва харажатларни бошқаришнинг CVP (Cost-volume-profit) “Харажат-даромад-фойда” тизимидан фойдаланишнинг афзаллигини асослаб берган. Унинг ҳисоб-китобларига кўра, корхонанинг рентабеллиги 15 фоиз бўлган шароитда харажатларни 6 фоизга қисқариши фойдани 33 фоизга ошириш имконини беради[5]. Албатта, иқтисодчи олимнинг фикри ўринлидир.

Бундан ташқари, цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарда товар-моддий захиралар билан таъминланганлик таҳлилида айланувчанлик ва рентабеллик кўрсаткичлари аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, чет эллик иқтисодчилар Ю.Бригхэм ва М.Эрхардтларнинг фикрига кўра, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг молиявий ҳолати, жумладан: 1. Хом ашё материаллари билан таъминланганлиги таҳлили; 2. Хом ашё материалларни жорий ликвидлик коэффициенти, айланиш коэффициенти



ва рентабеллик коэффициентларини ҳисоблаш таҳлилнинг асосий вазифаларидан биридир. Ушбу иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, саноат ишлаб чиқаришда молиявий ҳолатининг барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни баҳолашда уларни ўртача тармоқ кўрсаткичлари билан таққослаш тўғри хулоса қилиш имконини бермайди. Айрим цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарда молиявий ҳолат таҳлили ўртача тармоқ даражаси билан таққосланишида, уларнинг сезиларли даражада юқори эканлигини кўриш мумкин. Лекин иқтисодий эркинлаштириш шароитида молиявий ҳолатнинг барқарорлигини таҳлили ва активларнинг фойдалилик коэффициенти даражаси юқори бўлади [3].

Бизнинг фикримизча, бунинг сабаби шундаки,

1) корxonанинг молиявий барқарорлигини тавсифловчи муҳим кўрсаткич бўлган молиявий левераж коэффициентини ҳисоблаш зарурияти вужудга келади;

2) кейинги масала корxonани қарз юки коэффициентини таҳлили ҳисобланади. Бунда қисқа муддатли мажбуриятларини қамраб олиш даражаси таҳлил қилинади;

3) саноат ишлаб чиқаришда жорий ликвидлилик коэффициентини алоҳида кўрса тиш зарурияти вужудга келади.

Фикримизча, цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг жорий ликвидлилик коэффициенти унинг жорий даврдаги молиявий барқарорлигини белгилайди. Шу сабабли, ушбу коэффициент корxonанинг қисқа муддатли мажбуриятларини жорий активлар билан таъминланишни кўрсатади.

Жаҳон тажрибасида молиявий стратегик бошқарув жараёнида молиявий режалаштиришдан ташқари, менежерлар томонидан молиявий бошқарув қарорларини қабул қилиш мезонларини таҳлил қилиш ва асосий харажат элементларини бошқариш, иқтисодий рискларни хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолиятига таъсирини баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тадбирларни белгилаш лозим.

Таҳлиллар натижаси товар-моддий захираларни таҳлил қилишда қуйидаги кўрсаткичларни тўғри аниқлаш мақсадга мувофиқ деган хулосага келинди:

- товар-моддий захираларни ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш;

- товар-моддий захиралар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш;

- товар-моддий захиралар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш.

*Товар-моддий захиралар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлиliga қуйидагилар киради:*

- товар-моддий захираларнинг умумий суммаси. Мазкур кўрсаткични ҳисоблашда маълумотлар корхона бухгалтерия баланси (1-шакл)нинг 140-сатридан олинади;

- товар-моддий захираларнинг айланма маблағлардаги улуши. Ушбу кўрсаткич корхона бухгалтерия баланси (1-шакл)нинг 140-сатридаги маълумотларни баланснинг 390-сатридаги маълумотларга бўлиш йўли билан аниқланади;

$$TMZ_{a.m.y} = \frac{TMZ}{ЖА}$$

- товар-моддий захираларнинг умумий маблағлардаги улуши. Ушбу кўрсаткич корхона бухгалтерия баланси (1-шакл)нинг 140-сатридаги маълумотларни баланснинг 400-сатридаги маълумотларга бўлиш йўли билан аниқланади;

$$TMZ_{y.m.y} = \frac{TMZ}{ЖА}$$

Ушбу формулалардан фойдаланиш товар-моддий захираларни оптимал қолдиқларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

*Товар-моддий захиралар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлиliga эса, товар-моддий захираларнинг сифими, яъни 1 сўмлик сотилган маҳсулотларга қанча товар-моддий захираларнинг тўғри келиши, товар-моддий захираларнинг ҳақиқий миқдори билан таъминланганлик коэффициенти ва 1 сўмлик асосий воситаларга тўғри келадиган TMZлар миқдори киради.*

Товар-моддий захиралар сифимини аниқлашнинг ахборот манбаи сифатида ишлатиладиган маълумотлар бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан олинади (2-шакл 010 сатр / 1-шакл, 140 сатр):

$$TMZ_{cur} = \frac{CM}{TMZ_x}$$

Товар-моддий захираларнинг 1 сўмлик асосий воситаларга тўғри келадиган миқдорини аниқлаш учун зарурий маълумотлар бухгалтерия балансидан олинади (1-шакл 010 сатр / 1-шакл, 140 сатр):

$$TMZ_{1сўм.а.в.} = \frac{AB_{y.й.қ.}}{TMZ}$$

Товар-моддий захиралар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилишда қуйидаги кўрсаткичлар ҳисоб-китоб қилинади:

- товар-моддий захираларнинг айланувчанлик тезлиги. Ушбу кўрсаткични ҳисоблашда бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларни шакллантириш бўйича ҳисоботлардан маълумотлар олинади:

$$TMZ_{a.m.} = \frac{(TMZ_{y.y.k.} * 360)}{C_{c.m.x.}}$$

- товар-моддий захираларнинг айланувчанлик коэффициенти. Ушбу кўрсаткични ҳисоблашда сотилган маҳсулот ҳажми олинади:

$$TMZ_{a.koэ.} = \frac{C_{c.m.x.}}{TMZ_{y.y.k.}}$$

- товар-моддий захираларнинг рентабеллиги. Мазкур кўрсаткич ҳисоб-китоб қилинганда корхонанинг соф фойдаси кўрсаткичидан фойдаланилади:

$$P_{m.mэ} = \frac{CF}{TMZ_{y.y.k.}}$$

- товар-моддий захираларнинг фойдалиги. Мазкур коэффициентни ҳисоблашда маҳсулот сотишдан ялпи молиявий натижа суммаси ҳисобга олинади:

$$TMZ_{ф} = \frac{ЯФ}{TMZ_{y.y.k.}}$$

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодий адабиётлардаги турлича ёндошувлар ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Шу сабабли, ушбу усулни қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда ТМЗларни таҳлил қилишда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, товар-моддий захираларни таҳлил қилиш услугиётини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни бериш ўринли деб топилди:

**биринчидан**, товар-моддий захиралар самарадорлигини ҳисоблашда коэффициентлар қаторига унга сарфланган харажатлар бўйича кўрсаткичларни ҳам киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бу кўрсаткични қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш тавсия этилади:

$$TMZ_m = \frac{T_3}{C_m}$$

Бу ерда,  $TMZ_m$  - товар-моддий захиралари таннархи самараси,  $T_3$  - товар-моддий захиралар,  $C_m$  - сотилган маҳсулот таннархи. Ушбу кўрсаткичларни молиявий ҳисобот маълумотларига боғлайдиган бўлсак, қуйидаги кўриниш олади:  $TMZ_m = (1\text{-шакл, } 140\text{-сатр} / 2\text{-$

шакл, 020 сатр). Таклиф этилаётган кўрсаткич 1 сўмлик харажатга тўғри келадиган товар-моддий захиралари миқдорини ифодалайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, товар-моддий захираларни таҳлил қилишда, ушбу кўрсаткичнинг киритилиши ёки ундан фойдаланиш, келгусида маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларни камайтириш йўллари қидириб топиш ва ички резервларни ишга солиш имкониятини яратади.

**Иккинчидан**, товар-моддий захиралари сиғимини ҳисоблашда маҳсулот сотишдан тушум кўрсаткичига эмас, балки ялпи фойдага нисбатан самарадорлигини ҳисоблаш тавсия этилади. Бу кўрсаткич ҳозиргача амалиётда товар-моддий захираларни самарадорлигини аниқлашда қўлланилади. Бизнинг фикримизча, бу кўрсаткични товар-моддий захиралари билан таъминланганлик кўрсаткичларини аниқлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу кўрсаткични қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш тавсия этилади:

$$TMZ_{сиф} = \frac{T_3}{M_{c.y.ф}}$$

Бу ерда,  $TMZ_{сиф}$  - товар-моддий захираларнинг ялпи фойдага нисбатан сиғими,  $T_3$  - товар-моддий захиралари,  $M_{c.y.ф}$  - маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар сотишнинг ялпи фойдаси (зарари).

Тавсия этилаётган кўрсаткичлар молиявий ҳисоботларнинг тегишли моддаларидан олинади:  $TMZ_{яф} = (1\text{-шакл, } 140\text{-сатр} / 2\text{-шакл, } 030\text{ сатр})$ . Таклиф этилаётган кўрсаткич 1 сўмлик ялпи фойдага тўғри келадиган товар-моддий захира миқдорини ифодалайди.

Фикримизча, таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ялпи фойдага нисбатан товар-моддий захираларнинг сиғимини аниқлаш, кўпроқ ҳаққоний натижани беради. Сабаби, маҳсулот сотишдан тушум кўрсаткичи бу умумий кўрсаткич бўлиб, таннархни ҳосил қилувчи харажатлар муҳим ҳисобланади. Сотилган маҳсулотга нисбатан товар-моддий захираларни ҳисоб-китоб қилиш уларни айланувчанлик кўрсаткичига хосдир. Биз таклиф қилган усул эса, ҳар бир сўмга (таннархни чегирган ҳолда) тўғри келадиган товар-моддий захираларни аниқлаш имконини беради.

**Учинчидан**, товар-моддий захираларнинг айланиш тезлигини аниқлашда, уларнинг ўртача йиллик қиймати 360 кунга кўпайтириш билан ҳисоб-китоб қилинади. Бу ерда савол туғилади, нима учун 360 кун нега 365 кун эмас. Бироқ, меҳнат кодексига корхоналарда иш куни 360 кун этиб белгиланмаган.

Бизнинг фикримизча, корхоналар ушбу кўрсаткични қўллаётганда ишлаган иш кунларидан келиб чиқиб белгилаши ёки иш кунини аниқлашнинг имкони бўлмаса, умумий ҳолда йилнинг якшанба кунлари чегирилган ҳолда 313 (312) кун олиниши мақсадга мувофиқдир. Таклиф этилган ушбу тартиб бўйича таҳлил қилинганда, қуйидаги натижаларга эришилади:

$$A_{\text{мес.}} = \frac{(TMZ_{\text{ў.й.қ.}} * 360)}{C_{\text{с.м.х.}}} \quad \text{ёки,}$$

$$A_{\text{мес.}} = \frac{(TMZ_{\text{ў.й.қ.}} * 312)}{C_{\text{с.м.х.}}}$$

Агар корхонанинг ҳақиқатда ишлаган кунлари ҳисоб-китоб қилинса, бу кўрсаткич янада ижобий кўринишга эга бўлади.

Шундай қилиб, юқорида билдирилган таклиф ва тавсияларимизни қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда товар-моддий захиралар таҳлилини ташкил қилишда, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, ички резервларни аниқлаш, уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ҳамда фаолияти узлуксизлиги таъминлашга кенг имконият яратади деб ҳисоблаймиз.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2020 йил 28 декабрь.
2. Hermanson, Roger H. Accounting: a business perspective /Roger H. Hermanson, James Don Edwards, Michael W. Maher. 6th ed., Irwin, Printed in the USA, 1995. 926 p.
3. Бригхэм Ю., Эрхардт М. Финансовый менеджмент. Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2009. – С. 118-132.
4. Пардаев М.Қ. ва бошқ. Молиявий таҳлил. Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. 368 б.
5. Савчук В.П. Управление финансами предприятия. Монография. –М.: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2011. –С. 179.
6. “Ўзқурилишматериаллари” уюшмаси таркибидаги йирик цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг молиявий ҳисоботи маълумотларидан олинди.
7. <https://w3.unecse.org> сайти маълумотлари асосида ишлаб чиқилган

**ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ВА ҲУДУДИЙ КОНЪЮНКТУРАСИ: ЖОРИЙ ҲОЛАТ ТАҲЛИЛИ**

**Абдуллаева Севарахон Хасановна -  
Фарғона политехника институтининг докторанти**

**Аннотация.** Тўқимачилик саноати маҳсулотлари юқори қўшилган қиймат даражасига эга, валюта тушуми учун қулай, мамлакат бюджетининг даромад қисмини шакллантирадиган ҳамда ижтимоий дастурларни амалга ошириш манбаларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, ушбу саноат тармоқ аҳолини иш жой ва даромад билан таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади. Шунга қўра, тўқимачилик саноатининг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрнини эътиборга олган ҳолда соҳа кўрсаткичларини таҳлил этиш асосида ундаги мавжуд, аммо фойдаланилмаган имкониятларни аниқлаш зарур ҳисобланади.

**Таянч сўзлар:** тўқимачилик саноати, мамлакатларнинг экспорт таркиби, етакчи мамлакатлар, инновацион ва сифатли дизайн, калава-ип импорти

**Аннотация.** Продукция текстильной промышленности имеет высокий уровень добавленной стоимости, удобна для валютных поступлений, составляет часть доходов бюджета страны и является одним из источников реализации социальных программ. Эта отрасль также играет важную роль в обеспечении людей рабочими местами и доходами. Соответственно, учитывая положение текстильной промышленности в развитии экономики, необходимо определить основные, но неиспользуемые возможности в ней на основе анализа показателей отрасли.

**Ключевые слова:** текстильная промышленность, структура экспорта стран, страны-лидеры, инновационный и качественный дизайн, импорт пряжи.

**Annotation.** Textile industry products have a high level of added value, are convenient for foreign exchange earnings, make up part of the country's budget revenues and are one of the sources of social programs. This industry also plays an important role in providing people with jobs and income. Accordingly, taking into account the position of the textile industry in the development of the economy, it is necessary to determine the main, but unused opportunities in it based on the analysis of the industry indicators.

**Key words:** textile industry, export structure of countries, leading countries, innovative and high-quality design, import of yarn.

**Қириш.** Енгил саноат жаҳон саноат мажмуасининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Жаҳон ялпи маҳсулотининг

қарийб 6 фоизи, саноат мажмуасида банд бўлганларнинг еса 14 фоиздан ортиғи унинг ҳиссасига тўғри келади.